Тошкент оқшоми

2019 ЙИЛ 22 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 160 (14.007)

Баҳоси эркин нархда

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Пойтахтимиздаги муҳташам Халқаро Конгресс марказида 21 октябрь куни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБАИ

Унда сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, ижодкор зиёлилар, тилшунос олимлар, ёшлар иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йиғилганларни, бутун халқимизни ушбу тарихий сана билан табриклаб, ўзбек тилининг тараққиёти ва истиқболлари ҳақида нутқ сўзлади.

Тил миллат мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, унинг паспортидир. Тилнинг бутун қудрати, сеҳру жозибаси, аввало, ана шу тилнинг яшовчанлигида, унда яратилган бадиий адабиётда намоён бўлади. Шу боис ўзлигини таниган ҳар бир миллат она тили ва адабиётини асраб-авайлайди, унинг ривожи йўлида бор куч-салоҳиятини сафарбар этади.

Мустабид тузум даврида миллий тилларни, жумладан, ўзбек тилини ҳам йўқотишга кўп уринишлар бўлди. Она тили миллатимиз зиёлилари каби қатағон қилинди, давлат идоралари тугул оддий давраларда ҳам сўзлашиш воситаси сифатида ўрнини йўқотар даражага келиб қолди.

Ана шундай бир пайтда, миллий истиқлол арафасида халқимиз ўз она тилини – миллий ғурурини сақлаб қолди. Миллатпарвар зиёлилар, тилимиз фидойиларининг жонкуярлиги натижасида 1989 йил 21 октябрь куни қабул қилинган қонунга асосан, ўзбек тили мамлакатимизда давлат тили мақомига эга бўлди. Мустабид тузум даврида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши Ватанимиз мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди.

Ҳар қайси халқнинг она тили унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, миллий ғоясининг асосини ташкил этади. Тил ва халқ тушунчалари барча замонларда ўзаро уйғун ҳолда идрок қилинган. Тилсиз халқ ва халқсиз тил бўлмайди.

Мустақиллик йилларида она тилимизнинг мақомини тиклаш, ўзбек тилини кенг истеъмолга киритиш маънавий соҳадаги ислоҳотларнинг ўзагига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар ва қарорлар ўзбек тилида ёзилди, таълим масканларида ўзбек тилини ўқитиш, она тили воситасида ёш авлод онгига миллий ғурур-ифтихор туйғуларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек тилининг халқимиз, жамиятимиз ривожидаги муҳим роли билан боғлиқ кўплаб тадқиқотлар олиб борилди, бир қанча терминологик, таржима, этимологик, изоҳли луғатлар, қомуслар дунё юзини кўрди.

Кейинги йилларда Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган изчил ўзгаришларда тилимиз ривожига қаратилган саъй-ҳаракатлар алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи – миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Бугунги кунда мамлакатимизда шакилланган одил ва холис тил сиёсати натижасида ўзбек тили нуфузли минбарлардан янграмоқда, хорижий мамлакатларда ўзбек тилини ўрганишга иштиёқ тобора кучаймоқда. Ўзбекистоннинг яқинда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлиб қўшилгани ҳамда Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган ташкилотнинг навбатдаги саммитида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этгани ўзбек тилининг нуфузини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди.

Президентимизнинг жорий йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тилини улуғлаш, унинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётидаги нуфузини юксалтиришда беқиёс аҳамият касб этади.

Мазкур қарорга мувофиқ, жойларда ўзбек тили байрамлари, сайиллар, адиблар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, мактабларда иншолар танловлари ўтказилди, театр ва кинотеатрларда, маданият саройларида буюк алломаларимиз ҳақида спектакллар, фильмлар намойиш этилди.

– Бундан ўттиз йил олдин қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги қонун нечоғли тарихий ҳужжат бўлса, Президентимизнинг ушбу санани нишонлаш тўғрисидаги қарори ҳам ана шундай аҳамиятга эга, – дейди ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори Низомиддин Маҳмудов. – Ўзбек тили ўттиз йил давомида жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўзбек тилининг янги беш жилдлик изоҳли луғати, ўзбек қомусий луғати нашр қилинди. Мазкур тантананинг Ўзбекистонга кўрку салобат бахш этиб турган янги саройда ўтказилаётгани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Бу бинолар мустақил юртимизнинг миллий тиклашишдан – миллий юксалишга интилаётгани далолати бўлиб, тил байрамининг мазкур масканда нишонланиши она тилимизга бўлган юксак ҳурматнинг яққол ифодасидир.

Ушбу тарихий санадан ўттиз йил ўтиб бу борада яна бир қутлуғ қадам қўйилди. 2019 йил 21 октябрь куни Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонга биноан 21 октябрь санаси юртимизда “Ўзбек тили байрами куни” деб белгиланди.

Тантанали маросимда эълон қилинган ушбу хушхабарни бутун халқимиз катта хурсандчилик билан қарши олди.

Президент она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мавқеини янада ошириш, “Давлат тили ҳақида”ги қонунни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Бу борадаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Байрам тадбири сўнггида санъат усталари иштирокида Ватан, халқ, ва она тилимизни тараннум этувчи концерт дастури намойиш этилди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар!

Азиз дўстлар!

Авваламбор, мана шу қувончли айёмда барчангизни азим пойтахтимизнинг марказида барпо этилган, куни кеча ишга туширилган муҳташам ва улуғвор кошонада хуш кайфиятда кўриб, қутлаб турганимдан ғоятда бахтиёрман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни тарихий сана – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яққол намоён этадиган янги бино ва иморатлар бугун барча шаҳар ва вилоятларимизда кўплаб қад кўтармоқда.

Албатта, уларнинг орасида “Тошкент-Сити” ишбилармонлик маркази алоҳида ажралиб туради.

Гувоҳ бўлиб турганингиздек, “Тошкент-Сити” маркази ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнерлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятни яққол мужассам этади.

Майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни қуришдан асосий мақсад – замонавий, “ақлли шаҳар” барпо этиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий банк-молия тузилмалари ва инвесторлар учун жонажон Ватанимиз, биринчи навбатда, гўзал пойтахтимиз жозибадорлигини оширишдан иборат.

Биз Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясини изчил амалга ошираётганимиздан халқимиз ва халқаро ҳамжамият яхши хабардор, албатта. “Тошкент-Сити” марказини барпо этиш ғояси ҳам айнан ўша стратегия билан бир пайтда туғилган эди.

Ўзбекистон тажрибасида биринчи бўлган шундай катта миқёсдаги ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун кўп нарсани янгитдан ўрганишимиз, тинимсиз изланишга тўғри келди.

Қурилиш майдони 1 миллион 600 минг квадрат метрга тенг бўлган янги марказнинг 30 фоизини уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этади.

Барчангиз кўриб турибсиз, бугун бу ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Насиб этса, 2021 йилда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, ушбу марказ халқимизга ва пойтахтимиз меҳмонларига хизмат қилишни бошлайди.

Қисқача айтганда, “Тошкент-Сити” маркази Ўзбекистонда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққиётнинг янги даври бошлангани, бу соҳада биз кўп нарсага қодир эканимизни кўрсатади, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг очиқ ва конструктив сиёсати билан минтақамиздаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланиб бормоқда. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, молиявий институтлар, ишбилармон доиралар томонидан Ўзбекистонда қатор тадбирлар, анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда. Табиийки, келгусида бу жараёнлар янада кучаяди, Ўзбекистон яна кўплаб йирик халқаро саммитлар, форум ва симпозиумларга мезбонлик қилади.

Шу маънода, ушбу муҳташам мажмуа нафақат давлатимиз, балки халқаро аҳамиятга эга бўлган янги ғоя ва ташаббуслар туғиладиган, муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинадиган масканга айланади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муаззам саройнинг бунёдкорларига – моҳир меъмор ва лойиҳачиларга, ишчи-муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, барча иштирокчиларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли дўстлар!

Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққиёт даврининг, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлмиш мана шу бетакрор мажмуада биринчи бўлиб она тилимизга – давлат тилига бағишланган тантанали маросимни ўтказаётганимиз бежиз эмас.

Бугун ушбу муҳташам мажмуага дастлабки азиз меҳмонлар сифатида ташриф буюрган сиз, қадрли юртдошларимизни, муҳтарам фахрийларимизни, она тилимизнинг жонкуяри бўлган зиёлиларимизни, депутат ва сенаторларимиз, фаол ёшларимизни, дипломатик корпус вакилларини чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу муаззам кошона барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин! Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Қадрли ватандошлар!

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли қўшиқларига қулоқ тутсин.

Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадиий дурдоналар яратганлар.

Ўтмишда ўлкамизни босиб олган турли ёвуз кучлар бизни аввало ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, дину диёнатимиздан жудо қилишга қайта-қайта уриндилар. Улар эл-юртимиз бошига қандай азоб-уқубатлар, кулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум.

Аммо жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синовларда ҳам ўз озодлиги ва истиқлоли учун мардона курашди. Бу йўлда беҳисоб қурбонлар берди. Ҳар қандай зулм ва зўравонликларга қарамасдан, ўз она тилини – миллий ғурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди.

Бу борада маънавий жасорат ва фидойилик кўрсатган буюк арбобларимиз, адиб ва олимларимиз, уламоларимиз, улуғ санъаткорларимизнинг хотирасини бугун ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Ушбу қутлуғ айёмни байрам қилар эканмиз, аввало, 1989 йил 21 октябрь санасини – “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган кунни эслашимиз ўринлидир.

Юртимизда мустабид тузум ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турган ғоят оғир шароитда халқимизнинг тақдири ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Унинг атрофида қандай қизғин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, ўйлайманки, кўпчилик юртдошларимиз жуда яхши эслайди. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидойи ва ватанпарвар зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг қатъий шижоати ҳамда Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий иродаси катта ўрин тутди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди.

Бу қонун халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги азму қарорининг ёрқин намоёни бўлди. Орадан икки йил ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги айнан она тилимизда жаҳонга эълон қилинди.

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни – Конституциямизнинг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди.

Юртимиз бўйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадҳияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш урдиради.

Ўзбек тили ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат вакилларини ўзаро боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдагиобрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – **21 октябрь санасини “Ўзбек тили байрами куни”** деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ходимларининг умумий чекланган сони **9 та** штат бирлигидан иборат **Давлат тилини ривожлантириш департаменти** ташкил этилсин ва унинг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Давлат тилини ривожлантириш департаментининг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шаклларини жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва “йўл харитали”ни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, “Ўзбек тили байрами куни”ни нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш;

давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) **уч ой муддатда**:

“Ўзбек тили байрами куни”ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини;

“Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан такомиллаштирган ҳолда унинг янги таҳридаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

б) **икки ой муддатда** хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича **Атамалар комиссиясини** ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилсин;

в) **2020 йил 1 июнга қадар** қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури** лойиҳаларини киритсин:

мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш;

давлат тили қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам ва ҳар томонлама ўрганиш, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 21 октябрь

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий:

“**Турк назмида чу мен тортиб алам,**
Айладим ул мамлакатни яккалам”, деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини баланд кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида бирлаштирдим, деб ифтихор қилган.

Барчамизга яхши аёнки, она тили – миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдеворидир. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, **ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти – бу унинг миллий тили ва адабиётидир**.

Шу маънода дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат аввало ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади.

Мустақиллик йилларида она тилимизни том маънода давлат тилига айлантириш йўлида катта чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда Ер юзида 7 мингдан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тилига давлат тили мақомини ҳуқуқий жиҳатдан муҳрлаб берган мазкур қонуннинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бу тарихий воқеадан сўнг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш ҳақида яна бир муҳим қонун қабул қилинди.

Ҳурматли ватандошлар!

Бугун жонажон Ўзбекистонимиз **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Барча соҳалар билан бирга давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили равнақига бевосита хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда она тилимизда фаолият юритадиган юзлаб боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, янги газета ва журналлар, теле-радио каналлар, нашриётлар, маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар ташкил этилаётганини қайд этиш лозим.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда фольклоршунослик, диалектология, туркология, матншунослик каби йўналишлар очилди.

Бу борада янги ўқув дастурлари яратилаётгани, дарслик ва қўлланмалар, рисола ва монографиялар нашр этилаётгани, илмий анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида ўзбек тилининг бугуни ва истиқболи ҳақида амалий таклиф ва ташаббуслар билдирилаётгани ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, азим пойтахтимиз марказидаги Миллий боғ ҳудудида Адиблар хиёбони бунёд қилинмоқда. Бу гўзал масканда барпо этилаётган ёдгорлик мажмуалари адабиётимизнинг буюк намояндалари, ўзбек тилининг чинакам жонкуярлари хотирасига бағишлангани айниқса эътиборлидир.

Она тилимиз ва миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодимизга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларидаги ижод мактабларини ташкил этдик. Муҳаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида энг аввало ўзбек тили ва адабиётини, бадиий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шароит яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишда она тилимиз ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университети ва 100 дан зиёд мактабида ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Шу борада мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида **“Ўзбек тилининг дўстлари”** клублари ташкил этилаётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги қувончимизга шерик бўлаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига уларнинг юртларида ўзбек тилига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун ташаккур изҳор этаман. Айниқса, Ўзбекистондаги хизмат фаолияти давомида ўзбек тилини ўрганиб, фаол мулоқот қилаётган хорижий дипломатларга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Сизларга яхши маълум, яқинда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Бу, ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақомини юксалтиришга хизмат қилади.

Кенгаш саммитида билдирган ташаббусларимиз, хусусан, қардош халқлар адабиётининг энг сара намуналари мужассам бўлган юз жилдлик **“Туркий адабиёт хазинаси”** китоблар туркумини аъзо давлатларнинг она тилларида нашр этиш таклифимиз ижобий қабул қилинди.

Азиз дўстлар!

Давлат тилини ривожлантиришга қаратилган ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида бугун мамлакатимизда яна бир муҳим қадам қўйдик. Мен бугун **“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармонга имзо чекдим. Унга биноан “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда **“Ўзбек тили байрами куни”** деб белгиланди.

Ўйлайманки, ўзбек тили байрамининг мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг нишонланиши халқимизнинг миллий руҳи ва ғурурини юксалтириш билан бирга, давлат тилини ҳаётимизда тўлақонли жорий этишга хизмат қилади.

Ушбу фармонда она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида **Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма** ташкил этилганини ҳам сизларга маълум қилмоқчиман.

Бу тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан кўплаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда.

Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Тўғрисини айтиш керак, бу масалада ҳам оқсоқлигимиз бор эди. Шу муносабат билан Фармонда янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган **Атамалар комиссияси**ни тузиш масаласини ҳам назарда тутдик.

Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизда бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Қадрли юртдошлар!

Маълумки, Ватанимиз неча юз йиллар мобайнида буюк цивилизация ва маданият марказларидан бири бўлган. Қадимдан диёримизда халқимиз билан бирга турли миллат вакиллари елкадош, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, тинч ва осойишта муҳитда яшаб келадилар.

Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли эл бошқаларнинг она тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайди. Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли, ҳозирда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда. Тошкент шаҳри ва жойларда фаолият кўрсатаётган 140 га яқин миллий маданий марказ айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият олиб бораётгани халқаро жамоатчилик томонидан ижобий ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда.

Доно халқимиз “Тил билган – эл билади” дейди. Бу борада буюк боболаримиз ибрат ва намуна кўрсатганлар. Хусусан, Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиз ўнлаб тилларни пухта билганлари учун ҳам жаҳон илм-фанининг юксак чўққиларини забт этганлар.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида инглиз, рус, немис, француз, испан, итальян, араб, форс, турк, хитой, япон, корейс, ҳинд ва урду тиллари чуқур ўқитилаётгани бу анъаналар давом этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Биз ёшларимизнинг жаҳон тилларини эгаллашга бўлган улкан қизиқиш ва интилишларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

Мен бугун азиз болаларимизга мурожаат қилиб, улуғ аллома, XX аср бошида олти тилли – ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида луғат тузган Исҳоқхон Ибратнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: **“Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”.**

Ўйлайманки, бу сўзларга ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мавқеини янада ошириш бўйича олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Аввало, бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги қонунни бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, такомиллаштириш зарурати сезилмоқда.

Яна бир муҳим вазифа фундаментал тадқиқотлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа тармоқларда давлат тилини тўлақонли қўллаш билан боғлиқ.

Ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллатларга мансуб ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганишлари учун тегишли шароит яратиб бериш, юртимизда ва хорижда ўзбек тилини ўргатадиган ўқув марказларини кўпайтириш зарур.

Шу мақсадда янги дарсликлар, қиёсий ва турли соҳаларга оид луғатлар, иш юритиш ва сўзлашув қўлланмалари нашр этиш, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш, бу тизимга тўлиқ ўтиш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур. Бу ишлар учун молиявий ресурслар ва маблағларни асло аямаслигимиз керак.

Ўзининг бебаҳо асарлари билан она тилимизнинг қадрини ва қаддини тиклаган буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукаммал энциклопедиясини яратиш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларимиз турли маълумотларни асосан Интернет ва ижтимоий тармоқлардан олмоқда. Бинобарин, она тилимизни жозибали ва қизиқарли тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компьютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон луғатларни яратиш керак. Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни кучайтиришимиз лозим.

Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан сингдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукаммал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида равон ўқийдиган, равон ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу – бу жой номларини белгилаш масаласи, десак, хато бўлмайди.

Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга беписандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамаси Атамалар комиссияси билан биргаликда ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиши зарур.

Чунки ижтимоий объектларга ном бериш – бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз халқимизнинг тақдири, эртанги куни ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларимиз, бетакрор санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим.

Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак.

Муҳтарам ватандошлар!

Сизларни ва бутун халқимизни ўзбек тили байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга файзу барака, бахту саодат тилайман.

Ўзбек тили – она тилимизнинг нуфузи, обрў-эътибори янада зиёда бўлсин!

Шундай бебаҳо бойлик соҳиби бўлган, уни ҳамиша асраб-авайлаб келаётган азиз халқимиз омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Наманган вилояти кенгаши “Ёшлар қаноти” томонидан Наманган муҳандислик-қурилиш институтида талабалар иштирокида “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

● **Андижон давлат университетида “Бошқарув, оптималлаштириш ва динамик системалар – CODS-2019” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Илмий анжуманда математика фанини бошқариш ва динамик системалар, оптималлаштириш усуллари ҳамда бу йўналишда эришилган ютуқлар, ривожлантириш истиқболлари, соҳа ривожига инновацион ва илғор янгиликларни жорий этиш, мазкур йўналишдаги мутахассислар малакасини, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш сингари қатор масалалар хусусида фикр алмашилди.**

● **Андижонда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази “Келин-куёвлар инновацион мактаби” фаолиятини такомиллаштириш, мутахассислар малакасини оширишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олди.**

● **Самарқанд шаҳрида “Маҳкумларнинг ва қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро-ҳуқуқий нормалар” мавзусида семинар ўтказилди. Халқаро экспертлар семинар қатнашчиларини бу борадаги хорижий тажриба, маҳкумларнинг ва қамоқда сақланаётган шахсларнинг, шунингдек, ижтимоий соҳа муассасаларидаги воя-га етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги БМТ ва ЕХҲТнинг халқаро ҳуқуқий нормалари ва стандартлари билан таништирди.**

● **Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмларида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.**

● **Нукусда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан “Ёрқин келажакка O’zLiDeP билан бирга қадам қўямиз” мавзуида сайловолди тарғибот тадбири бўлиб ўтди.**

ЖАҲОНДА

● **Швеция банки томонидан Альфред Нобель хотирасига таъсис этилган ва иқтисодиёт бўйича норасмий Нобель мукофоти деб аталувчи иқтисод фанлари бўйича мукофот 2019 йилда уч олим – америкалик Майкл Кремер ва Абхижит Банержи ҳамда франциялик Эстер Дюфлога топширилди. Мукофот “глобал қашшоқликка қарши курашдаги тажрибавий ёндашув учун” топширилди. Совриндорларнинг услуби глобал қашшоқлик муаммосини кўплаб майда муаммоларга бўлишдан иборат бўлиб, бу муаммоларнинг ечимларини тажрибалар ёрдамида топиш мумкин. Уч совриндор 9 млн. швед кронаси (915 минг доллар) миқдоридаги мукофот пулини ўзаро бўлишиб олишади.**

● **Аргентина терма жамоаси ҳамда Испаниянинг “Барселона” клуби ҳужумчиси Лионель Месси УЕФА томонидан Европа мамлакатлари чемпионатида энг кўп тўп киритган футболчи учун бериладиган “Олтин бутси” соврини билан тақдирланди. Испания чемпионатида 34 та ўйинда майдонга тушиб 36 бор рақиблар дарвозаларини забт этган Месси учун бу олтинчи “Олтин бутси”дир.**

Танловлар

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг туман босқичи, 21 октябрь – "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига бағишланган байрам тадбирларига ҳамоҳанг тарзда ўтказилди.

– "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловини бежизга тил байрами билан узвий боғлаб ўтказмадик, – дейди Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зиёда Тохирова. – Тил байрами ва танловнинг муштараклиги шундаки, Зулфияхоним аслида ўзбек тилининг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшган оташнафас ва беназир шоирадир. Маънавиятимиз ва маърифатимизга муносиб ҳисса қўшган шоиранинг издошларини танлаб олиш эса танловнинг асосий шартидир. Зеро, нуфузли мукофотни қўлга киритган ҳар бир қиз келажакда жаннатмакон юртимизнинг юксалиши, ривожланиши ва янада тараққий этиши учун ўз ҳиссасини қўша олиши лозим.

Дарҳақиқат, иштирокчилар орасидан адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият ва спорт йўналишларидаги иқтидор эгаларини саралаб олиш танловнинг асосий бош мезони бўлса, тил байрамининг танлов доирасида ўтказилиши ёшларни она тилимизга бўлган меҳру муҳаббатини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шайхонтоҳур туманидаги барча ўқув муассасаларида жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ўтказилган танловда 300 нафардан зиёд иқтидорли қизлар ўз маҳорати ва қобилиятини намоён этди. Улар орасидан 18 нафар қиз саралаб олиниб, туман босқичида қатнашиш имконини қўлга киритди.

Танловнинг туман босқичида қатнашувчи қизлар миллий, бадиий безак ва каштачилик бўйича ишлари, санъат йўналишидаги куй-қўшиқ, рақслари ҳамда спорт ўйинларидан лавҳалари билан қатнашиб ўз салоҳиятларини намойиш этдилар.

Тадбирга ташриф буюрган театр актёрларининг миллий этнографик чиқишлари ва миллийликни тарғиб қилувчи томошалари ҳамда санъаткорлар томонидан она тилимизни тараннум этиб янграган қўшиқлар гулдастаси барчага бирдай манзур бўлди.

Тадбир сўнгида туман ҳокимлиги мутасаддилари томонидан иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Энг қобилиятли деб саналган қизлар "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг шаҳар босқичига йўлланма олди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

ОНА ТИЛИМ – ҚАЛБИМ ҚУЁШИ

Ҳар бир тилнинг чиройи, жозибаси, мазмуни, бойлиги бўлгани каби ўзбек тили ҳам нозик ва мазмунли сўзларга бойдир. Ўзбек тилимизнинг кўрки, куч-қувватини жаҳонга кўз-кўз қилган боболаримиздан М.Қошғарий, А.Яссавий, А.Навоийларни эътироф этиш жоиздир.

Улуғ шоиримиз А.Навоий тилимизнинг бой эканлигини исботлаб ёзган асари "Муҳокамат-ул луғатайн" ("Икки тил муҳокамаси") асари бунинг яққол мисоли намунасидир. "Тилга эътибор – элга эътибор", деб бежиз айтилмаган. Дунёдаги барча халқлар ўз тилини миллий қадрият сифатида эъзозлайди.

Тилнинг ривожланиши жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир ва ундаги ўзгаришлар, албатта тилда ҳам ўз аксини ифода этади. Шу боис 1989 йилнинг 21 октябрь куни она тилимиз давлат тили мақомининг берилишини мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши омиллардан бири эди.

Мана 30 йилдирки ушбу кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланади. Яқинда бўлиб ўтган "Она тилим – қалбим қуёши" мавзуидаги тадбирга шоирамиз Шарифа Салимова таклиф этилди. Улар ўзларини ижодлари билан ўқувчиларни қизиқарли баҳсга чорладилар. Шоирани ижодларидан ўқувчилар шеърлар ва саҳна кўринишлари билан бадиий чиқишлар қилишди.

Академик лицей раҳбари М.Муратбекова сўзга чиқиб, тилимизнинг тарихи ва бугунга қадар тилимизни ривожланиши борасида эришилган ютуқлар тўғрисида тадбир иштирокчилари ва ўқувчиларга гапириб берди.

Халқимизнинг ўз тилига, элига бўлган чексиз муҳаббати, қудрати тил масалаларида миллийлик нуқтаи назаридан қаралганда намоён бўлади. Давлат, жамият ва миллатнинг улуғлигини таъминлашда тил масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Ўз она тилимизга ҳурмат билан қарашимиз, унинг маънавий мазмунини бойитиб боришимиз ҳамда юксак даражаларга чиқишга астойдил ҳаракат қилишимиз лозим.

С.ТЎХТАЕВА,
Б.ХАИТОВ,
Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти академик лицейи ўқитувчилари

ЎЗБЕК ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ

Ўзбек тилим – жону дилим,
Сен туфайли олдим билим.
Ардоқлайди мангу элим,
Новвот тилим, асал тилим!

Тил – Аллоҳдан буюк неъмат,
Миллатим-чун тақдир-қисмат.
Эзгуликка қилиб хизмат,
Ўзбек тилим топар иззат.

Оқ-қорани танитган тил,
Жаҳолатни йўқотган тил.
Ҳамдам бўлсин тил бир-ла дил,
Имонингни мустаҳкам қил!

Ўзбек тилим – жонон тилим,
Миллатимга дармон тилим.
Бизга очгил жаҳон сирин,
Дарё бўлиб тошсин илм.

Тарихда бор қутлуғ шонинг,
Туркий деган улуғ номинг.
Асрлардан авлодларга
Мададкордир куч – илҳоминг!

Оналарнинг алласида,
Жалолиддин ҳамласида,
Амир Темур наърасида
Виқор топган туркий таълим!

Навоийнинг асарларин,
Гулҳанийнинг масалларин,
Огаҳийнинг ғазалларин
Бунёд этган туркий тилим!

Сен туфайли ўзбек тилим
"Бобурнома" очди сирин,
Сен эмасми Муқимийнинг
Забонини қилган ширин!

Мустабидлик ёмон бўлди:
Ўзбек тилим армон бўлди.
Чўлпон, Фитрат, Қодирийлар
Миллатим деб қурбон бўлди!

Мустақиллик шарофати –
Халқимизнинг саодати.
Давлат тили – ўзбек тилим
Орта берсин салобати!

Сен борсанки – миллатим бор,
Сен ёрсанки – савлатим бор.
Тарихим бор, Ватаним бор,
Демак, улкан Давлатим бор!

Абдуманноб ТОЖИЕВ,
педагогика фанлари номзоди

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Куни кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг Миробод туманида ташкил этилган туман сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари аъзолари билан семинар машғулоти ўтказилди.

Семинар давомида қатнашчиларга сайлов участкалари жойлашуви, маркази учун ажратиладиган бинолар ва сайловчилар ҳақидаги маълумотларни ҳар томонлама аниқ ва пухта бўлишини таъминлаш масалалари атрофлича тушунтирилди.

Иштирокчиларнинг сўзларига кўра, жойларда сайловга тайёргарлик ишлари бошланди.

Тадбир қатнашчилари Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан 2019 йил 20 октябрдан 20 ноябрга қадар сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлигида фаол иштирок этишларини ва сайловларни ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш бўйича ўз фикрларини билдиришди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати

ҲИНДИСТОНЛИК ШИФОКОРЛАР ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳамда Ҳиндистоннинг "Артемис" кардиохирургия маркази ўртасида туғма юрак нуқсони, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан оғриган ўзбекистонлик бемор болаларни бепул соғломлаштиришни назарда тутувчи ўзаро уч томонлама ҳамкорлик битими тузилган.

Унга кўра, ҳиндистонлик шифокорлар томонидан 2015 – 2018 йиллар мобайнида юртимиздаги 71 нафар юрак туғма нуқсони бор бемор бола жарроҳлик амалиёти орқали соғломлаштирилган.

Жорий йилнинг 12 сентябрь куни "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ва Ҳиндистоннинг "Артемис" кардиохирургия маркази ходимлари билан учрашув ўтказилиб, ҳамкорлик дастурларини изчил давом эттиришга келишиб олинди. Мазкур келишувларга биноан "Артемис" кардиохирургия маркази малакали шифокорлари юртимизга ташриф буюриб, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 42 нафар туғма юрак нуқсони ташхиси қўйилган бемор болани умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди. Тиббий кўрик натижаларига биноан оғир деб топилган бемор болалар Ҳиндистон Республикаси нуфузли клиникаларида даволанади.

Бундан олдин жорий йилнинг август ойида 7 нафар ана шундай бемор бола ота-оналари ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди мутасаддилари ҳамроҳлигида Корея Республикаси нуфузли клиникаларида соғломлаштирилганди.

ЎзА

БАА ТАЪЛИМ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДА

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Бирлашган Араб Амирликларининг таълим соҳасидаги бир гуруҳ мутахассислари томонидан юртимиз олий таълим муассасалари вакиллари учун семинар ташкил этилди.

Мамлакатимиз Президентининг Бирлашган Араб Амирликларига 2019 йил март ойида амалга оширган олий даражадаги ташрифи доирасида БАА ҳукумати билан бир қатор соҳалар қатори таълим, замонавий ва талаб юқори бўлган мутахассисликларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш борасида ҳам ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишувларга эришилган эди. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 24 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида Бирлашган Араб Амирликларининг молиявий ва техник ёрдамини жалб этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши билан "Йўл харитаси" тасдиқланди. Ушбу ўзаро мулоқот ҳам "Йўл харитаси"да қайд этилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилди.

Хорижлик меҳмонлар Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мисолида юртимиз олий таълим масканларида яратилаётган шароитлар, замонавий таълим шаклларининг ўзбек миллий педагогикаси билан уйғунлиги ҳақида умумий тасаввурга эга бўлди.

Семинарни Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Узоқбой Бегимқулов очди.

– Айни вақтда юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш энг муҳим вазифаларимиз қаторида турибди, – деди У.Бегимқулов. – Президентимизнинг шу йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида айни долзарб масалага катта эътибор қаратилган. Ушбу ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда бир қатор аниқ мақсадлар белгиланди. Жумладан, олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, юртимиздаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи минг ўриндаги, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи "хаб"га айлантириш ниятидамиз. Буларга эришишда халқаро тажриба ва илғор ютуқларни ўрганиш биз учун ниҳоятда муҳим. Мазкур учрашув айни шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятли.

Семинарда махсус тренинг машғулотлари олиб бориш учун БАА Таълим вазирлиги мутасаддилари, Рабдана академияси, Абу-Даби ва Заида университетларининг етакчи профессорлари ташриф буюрган.

– Энг аввало, бизни илиқ кутиб олганингиз учун мамлакатингиз ҳукуматига миннатдорлик билдираман, – деди Бирлашган Араб Амирликлари Таълим вазирлигининг аккредитация ва таълим хизматлари бўйича вазир ўринбосари Хассан Алхейри. – Биз Ўзбекистон ва БАА ўртасида стратегик шериклик, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун ташриф буюрдик. Мақсадимиз – таълим соҳасида амалиёт ўтказиш ва тажриба алмашиш. Бундан буён ана шундай учрашув ва семинарлар ташкил қилиш орқали бир-галикда таълим соҳасида сезиларли муваффақиятларга эришамиз, деб ишонаман.

Семинар машғулотлари учта гуруҳга бўлинган ҳолда ўтмоқда. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари Таълим вазирлигининг маслаҳатчиси Марям Хан олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш йўналишида машғулот олиб борувчилардан бири сифатида иштирок этяпти. Унинг сўзларига кўра, юртимиз олий таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчилар билан учрашув ҳар икки томон учун ҳам тажриба алмашув мактаби вазифасини ўтяпти.

– Бирлашган Араб Амирликларида талаба олий таълимга келгандан бошлаб асосий фанлар фақат инглиз тилида олиб борилар экан, – деди Урганч давлат университетининг ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Хосият Шиҳова. – Бу жуда яхши тажриба. Чунки 4 йил мобайнида инглиз тилида ўқиган талаба жаҳон иш бозори талабига жавоб бера оладиган мутахассис бўлиб етишиб чиқади. Ўзбекистонда ҳам ана шу жиҳатни амалга киритадиган вақт келди, деб ҳисоблайман. Ана шунда юртимизда илмни чуқур ўрганган янги авлод шаклланади.

Машғулотларнинг яна бир йўналиши олий таълим муассасаларини аккредитациялашга бағишланди. Унда БААнинг бу борадаги тажрибаси хусусида атрофлича маълумот берилади.

– Олий таълим муассасасини аккредитациядан ўтказиш ундаги таълим сифатини кафолатлаш учун ниҳоятда муҳим, – деди Бирлашган Араб Амирликлари Таълим вазирлигининг академик аккредитация бўйича комиссияси вакили Рис Роуленд Жонс. – БААда бу масалада университет миллий ва халқаро даражада муайян талабларга жавоб бериши лозим. Бизда 3 федерал даражада университет ва 84 лицензияга эга олий таълим муассасаси фаолият юритади. Лицензия бериш талаблари барча ОТМ учун бир хил. Фақат уни олиш масаласида айрим ўзига хосликлар мавжуд. Масалан, Дубай амирлиги эркин зона бўлгани сабабли лицензия олиш жараёни осонроқ кечади. Лекин улар тақдим этадиган илмий даражалар фақат амирлик миқёсида тан олинади.

Олий таълимда инновацион ва тадбиркорликка йўналтирилган ўқув дастурларини жорий этиш. Бу масала семинарнинг навбатдаги муҳим йўналиши бўлди.

– Бизда инновацион ва тадбиркорликка йўналтирилган ўқув дастурлари нафақат олий таълим муассасалари, балки умумтаълим мактабларига ҳам мажбурий фан сифатида ўқув режасига киритилган, – деди ЎзА мухбирига Абу-Даби университетининг катта ўқитувчиси Рубина Куреши. – Бунинг аҳамияти шундаки, ёшларда яратувчанлик, тадбиркорлик, янгича фикрлаш кўникмаларини ривожлантира олиш уларнинг янги қирралари кашф этилишига катта туртки беради. Биз айнан шундай натижага эришаяпмиз ҳам. Мисол учун, олий таълим битирувчилари ўз бизнес фаолиятини йўлга қўймоқда. Аслида ушбу ўқув дастурларининг мақсади фақат бизнес эмас. Асосийси, фикран уйғониш, яъни одатдаги фикрлашдан воз кечиб, мақсадларга тез ва осон эришиш.

Юртимиз олий таълим тизими ходимлари семинарнинг учта муҳим йўналишида шу каби янгиликлар, илғор тажрибалар билан танишади.

Феруза МИРЗАКОМИЛОВА

Яккасарой тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН 2020 ЙИЛГА ИШ ЎРИНЛАРИНИНГ ЭНГ КАМ СОНИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ЗАҲИРАГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 7, 17-моддалари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон 97-модда) 17 моддаси, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008 й., 29-30 сон, 277-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон 190-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги "2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида"ги ПҚ-4227-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 07/19/4227/2782-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Қонун ҳужжатлари маълумотлари Республика Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда 3163-рақами билан рўйхатдан ўтказилган) "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.05.2019 й., 10/19/3163/3221-сон) асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун Яккасарой туманида 2020 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

2020 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар (кейинги ўринда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар деб юритилади) учун иш ўринларининг энг кам миқдори (2-илова) ходимларнинг рўйхати бўйича ўртача 9833 иш ўрнини ташкил этадиган 9,96 миқдорида, шу жумладан:

– ногиронлар учун 2,98% (29,25 та)

– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларини давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 48,49 (475,25та)

– 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналари учун 1,48% (151,75 та)

– пенсия олди ёшдаги шахслар учун 13,49% (132,25 та)

– сафарбарлик чақириқ заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари – 11,22% (110 та)

– жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланишдан озод қилинган шахслар учун 4,36% (42,75 та)

– ижтимоий муҳофазага муҳтож, шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 3,95% (38,75 та) миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

3. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринлари санитария гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан қўйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларини давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ;

Сафарбарлик чақириқ заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос;

Ногиронлар учун – меҳнат шароити бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимларга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган;

Пенсия олди ёшдаги шахслар учун уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

Одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравачи ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўт ёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. 2-иловада қайд этилган корхона ва ташкилот муассасаларининг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган ижтимоий муҳофазага муҳтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилиши таъминлансин;

2020 йил бошланишида камида 10 кун олдин, заҳирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун заҳирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминлансин, шунингдек, бу ҳақида йил бошлангунга қадар Яккасарой туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини заҳирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2020 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлансин, бу ҳақида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, бундай шахсларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман Аҳоли банлигига кўмаклашиш маркази (Ж.Қосимов):

Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансаб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилот, корхона ва муассасаларга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ҳақ тўланиши таъминлансин;

мазкур қарорни беш кун муддатда заҳира ўрин яратаётган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказилсин ва туман ҳокимининг қарори бажарилиши устидан назорат ўрнатилсин.

8. Туман ҳокими аппарати раҳбари С.Агзамходжаев, туман ҳокимлиги Матбуот котиби (Г.Мусаев):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Абдурахманов зиммасига юклатилсин.

Яккасарой тумани ҳокими
А.Сайфутдинов

2019 йил 14 октябрь

Спорт янгиликлари

КУМУШ МЕДАЛЛАР КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат биринчилигининг 21-тур баҳсларидан аввал "Пахтакор" клуби ўн иккинчи марта чемпионликни қўлга киритди.

Лекин кумуш ва бронза медаллари қайси жамоага насиб этишини олдиндан башорат қилиш қийин. Чунки ҳозирда 2-3-ўринларни банд этиб турган "Локомотив" ҳамда "Бунёдкор" очколари орасидаги фарқ учтани ташкил қилмоқда. Ушбу турда Зарафшонда "Қизилқум" меҳмони бўлган "Локомотив" мезбонлари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб икки очкони йўқотган бўлса, "Бунёдкор" ҳам ўз майдонида "Бухоро"ни мағлуб эта олмади. Қизиқарли, кескин курашларга бой кечган баҳсда томонлар муроса йўлини танлашди. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади.

21-турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: АГМК – "Насаф" – 2:1, "Қўқон – 1912" – "Металлург" – 2:3, "Навбаҳор" – "Динамо" – 1:0, "Пахтакор" – "Сўғдиёна" – 3:0, "Андижон" – "Сурхон" – 2:1.

ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ КАЙФИЯТИ АЪЛО

Мамлакатимизнинг бош жамоаси ҳамда олимпия терма жамоаси жиддий синовлар арафасида туришибди.

Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг иккинчи босқичи гуруҳ баҳсларида эндиликда фақат ғалаба қозониш талаб этилади. Любинко Друлович бош мураббийлигидаги олимпиячиларимиз эса келгуси йили Токиода уюштириладиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма олишлари шарт. Хуллас ҳар икки жамоаларимиз муҳим турнирлар олдидан Тошкентда ўзаро ўртоқлик ўйинида куч синашишди. Анча қизиқарли ва муросасиз кечган баҳсда Вадим Абрамов шогирдлари 3:1 ҳисобида зафар қучишди. Бош жамоамиз голларига Достон Ҳамдамов ва Игорь Сергеев (2 та) муаллифлик қилган бўлишса, олимпиячиларимиздан Бобур Абдуҳолиқов миллий терма жамоа дарвозасини аниқ нишонга олди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЧЕМПИОНЛАРИМИЗ ВАТАНГА ҚАЙТДИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Фужайра шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида терма жамоамиз 8 олтин, 3 кумуш ва 9 бронза, жами 20 медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи поғонадан жой олди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида музаффар боксчиларимизни давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, олимпиадачиларнинг ота-оналари, журналистлар тантанали кутиб олди.

Фужайра шаҳрида ўтказилган мазкур қитъа чемпионатида боксчиларимиз Ўзбекистондек буюк юртнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган фарзандлари эканини исботлади.

Кескин ва муросасиз жангларда зафар қучган спортчиларимизнинг мардлиги, жасорати, шижоату матонати бутун Осиё қитъасини лол қолдирди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, уларнинг бундай юксак муваффақияти мамлакатимиз мустақиллиги, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун яратилаётган кенг имкониятлар туфайлидир.

Мусобақанинг қизлар ўртасидаги финал босқичида Сабина Бобоқулова, Феруза Казакова, Нигина Ўктамова, Азиза Зокирова барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ўғил болалар ўртасида Азизбек Тожиев, Логин Петров, Нусратбек Тоҳиров, Жаҳонгир Зокиров Осиё чемпионига айланди.

Финалга қадар ўтган жангларда ғалаба қозонган Билолбек Ихволов, Бекзод Бекмуродов ва Моҳира Аҳмедова кумуш медаль билан тақдирланди. Шунингдек, Иқболжон Қудратов, Асрорбек Шаҳобиддинов, Анвар Болтабоев, Ғофуржон Тоҳиров, Жаҳонмурод Имомалиев, Аълохон Абдуллаев, Моҳларойим Савриддинова, Руҳшона Ўктамова ҳамда Шаҳноза Эргашева ўз вазн тоифаларида бронза медалини қўлга киритди.

Мусобақа ташкилотчилари томонидан Осиё чемпионатининг энг яхши боксчиси, деб 48 килограммгача вазнда мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган Сабина Бобоқулова топилди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ — XXI АСР ЭПИДЕМИЯСИ

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда дунёдаги 425 миллиондан ортиқ одам диабет билан оғримоқда, уларнинг аксариятини 2-тур қандли диабет ташкил қилади.

Энг ачинарлиси, уларнинг ҳар иккинчиси ўз касаллиги ҳақида билмайди. Ушбу муаммонинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қандли диабетни XXI аср эпидемияси, деб эълон қилган.

Ўзбекистонда диабетли беморлар сони 245 мингдан ошган бўлиб, уларнинг 2,3 мингдан ортиғини болалар ва 879 нафарини ўсмирлар ташкил қилади. Мутахассислар мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида ўтказилган скрининг натижаларига кўра, аслида диабетли беморлар сони расмий статистикадагидан анча кўп бўлиши ҳам мумкинлигини айтишмоқда. Бу эса эндокринологларни ушбу масалага жиддий ёндашишга, касалликни эрта аниқлаш, даволашнинг инновацион усуллардан фойдаланишга ундайди.

Пойтахтимизда ўтказилаётган "XXI аср қандли диабети. Глобал муаммолар. Маҳаллий ечим" мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуманнинг мақсади ҳам қандли диабет муаммосига эндокринолог, неврапотолог, окулист, қон-томир жарроҳи каби мутахассисларнинг эътиборини жалб қилиш ва биргаликда ягона, замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш, тажриба алмашишдан иборат. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Ўзбекистон эндокринологларининг миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиз эндокринологлари билан биргаликда Россия, АҚШ, Грузия ва Украинанинг шу соҳадаги етук мутахассислари иштирок этмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, замонавий тиббиётнинг устувор вазифаларидан бири давлат ва жамият учун катта маънавий ва моддий зарар келтирувчи оғир тиббий-ижтимоий касалликлар ҳамда уларнинг асоратлари олдини олишдир. Сўнгги уч йил давомида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, жумладан, эндокринологик хизмат соҳасида катта ўзгаришлар бўлди. Тизимни такомиллаштиришга оид фармон ва қарорлар қабул қилинди. Эндокринологик муассасалар тажрибасига эндокрин касалликлар ташхиси ва давосининг бир қатор замонавий усуллари жорий этилди. Эндокринологик патология профилактикаси тизими такомиллаштирилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан бу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш, эндокрин касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш мақсадида Миллий дастур, чора-тадбирлар комплекси, "Йўл харитаси" лойиҳаси тайёрланди, шунингдек, Миллий дастурнинг 2019 – 2023 йилларга мўлжалланган асосий вазифалари белгиланган.

Қандли диабетнинг сурункали асоратларини камайтириш, уларнинг юзага келишини кечиктириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган онлайн-регистр ишлаб чиқилмоқда. Вилоятларда 45 ёшдан ошган аҳоли орасида қандли диабет скрининги ўтказилмоқда.

Анжуман доирасида Андижон, Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида ҳам қандли диабет ва унинг асоратларини ташхис қилиш ва даволашга бағишланган халқаро илмий-амалий симпозиумлар бўлиб ўтмоқда. Шунингдек, ҳудудлардаги эндокринологлар учун пойтахтда бўлиб ўтаётган анжумандаги чиқишларнинг онлайн-трансляцияси ташкил қилинган.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎзА мухбири

БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ БАХШ ЭТДИ

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчилар, ногиронлиги бўлган ёшларни истеъдод ва қобилиятини намоён этишига кўмаклашиш, уларни маданий ҳордиқ олишига шароит яратиш, шунингдек, жамиятда аҳолининг муҳтож қатламига ёрдам беришни тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида "Яхшилик албатта қайтади" шиори остида хайрия акцияси ташкил этилди.

Акция доирасида Тошкент шаҳридаги ногиронлар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари, ёрдамчи мактаблари ўқувчи-ёшлар учун турли маданий тадбирлар ўтказилди.

Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабида "Тасвирий ва амалий санъат сеҳри" мавзуида ёш ижодкорларнинг тасвирий ва амалий санъат, либослар дизайни турлари бўйича намойиши, шунингдек, "Биз ижодкорлар" шиори остида имконияти чекланган ёшлар учун тасвирий ва амалий санъат, либослар дизайн йўналишлари бўйича маҳорат машғулотлари ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида эса халқаро танловлар лауреатлари томонидан "Меҳрли созлар" шиори остида концерт дастури намойиш этилди. Миллий ва жаҳон эстрадасининг ёрқин намояндаларининг асарлари ижро қилинди. "Истеъдод юлдузлари" шиори остида имконияти чекланган ёшлар учун маҳорат машғулотлари ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат Ёш томошабинлар театрида эса "Табассум улашамиз" шиори остида "Соҳибжамол ва маҳлуқ" номли спектакль намойиш этилди. Спектакль ёш томошабинларда ўзгача таассурот уйғотди.

Ёшлар учун А.Навоий номидаги кино саройида "Меҳрли кино" шиори остида "Истанбуллик миллиардер" номли кинокомедия намойиш қилинди.

Шундан сўнг "Наврўз" боғида қад ростлаган маданий обидалар макетлари бўйича қувноқ саёҳати ёшларга олам-олам қувонч бахш этди. "Орзулар парвози" шиори остида имконияти чекланган ёшлар ва эстрада хонандаларининг қўшма шоу концерт намойишида "Ниҳол" мукофоти совриндорларининг куй-қўшиқлари, Ўзбек давлат цирки актёрларининг чиқишлари манзур бўлди.

Бу каби лойиҳалар жорий йилнинг 3 декабрь – Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш кунига қадар ташкил этилиши режалаштирилган.

Зиёда РАСУЛОВА

ИҚТИДОРЛИ, ИЖОДКОР ҚИЗЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар Кенгаши томонидан Тошкент тиббиёт академияси талабаларининг кўп тармоқли "Акфа Медлайн" тиббиёт марказига саёҳати уюштирилди.

Тадбир давомида марказ раҳбари Камола Мирзалиева иштирокида семинар-тренинг ўтказилди. Саёҳатдан сўнг Тошкент шаҳар Ёшлар марказида "Қизлар форуми" ташкил этилди. Тадбирда фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси эксперти Жамила Шермуҳаммедова, Ўзбекистон Миллий университети хотин-қизлар қўмитаси раиси Лаълихон Муҳаммаджонова, "Бунёдкор" телеклуби раҳбари Муқаддас Қамбарова, "Ёшлар – келажагимиз" жамғармаси Бектемир тумани раҳбари, тадбиркор Шаҳло Шаропова, Тошкент шаҳар "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбари Шоҳида Шомуталовалар ва "Қизларжон" клубининг 80 нафардан ортиқ фаол қизлари иштирок этди.

Тадбир давомида намойиш этилган иқтидорли қизларнинг қўл меҳнатларидан иборат кўргазма иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир сўнгида ўқиши ва ижоди давомида кўплаб ютуқларни қўлга киритаётган иқтидорли қизларимизга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар Кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

Реклама ва эълонлар

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Ўзбекистон Республикасида етакчи ҳарбий таълим маскани ҳисобланиб, ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда юқори мавқеига эга бўлган Қуролли Кучлар Академияси қуйидаги кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Табиий-илмий фанлар йўналиши бўйича:
доцент (олий математика) – 1 ўрин;
2. Жаҳон тиллари йўналиши бўйича:
профессор (инглиз тили) – 1 ўрин;
доцент (инглиз тили) – 1 ўрин;
доцент (рус тили) – 1 ўрин;
доцент (форс тили) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (рус тили) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (инглиз тили) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (немис тили) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (француз тили) – 1 ўрин;
ўқитувчи (рус тили) – 1 ўрин;
ўқитувчи (немис тили) – 1 ўрин;
ўқитувчи (инглиз тили) – 1 ўрин;
3. Ҳарбий хавфсизлик кафедраси
профессор (сиёсатшунослик) – 1 ўрин;
4. Кўшинларни кундалик фаолиятини бошқариш кафедраси:
доцент (информатика ва ахборот технологиялари) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (информатика ва ахборот технологиялари) – 1 ўрин;
5. Жисмоний тайёргарлик ва спорт йўналиши бўйича:
ўқитувчи – 1 ўрин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:
Академия бошлиғи номига ариза;
кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси.
Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини тақдим этишлари лозим.
Ҳужжатлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида қабул қилинади.
МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси – 2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси. Телефон: 289-97-84, 268-17-20, 268-97-27.

Реклама ва эълонлар

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йилда Каримов Камолиддин Хусниддин ўғли номига берилган К № 2238613 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат медицина институти томонидан 1979 йилда Мухаммад Зухайр номига берилган ДИ # 049117 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтоҳур тумани Т.Атаходжаев кўчаси, 15-уй учун Мўминова Гулчехра Турғунбоевна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Кўкча дарвоза кўчасида жойлашган "Катта ҳовуз" маҳалласига қарашли сартарошхона ва милиция таянч пунктига берилган 10100502020036 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчасида жойлашган "O'zbekiston Respublikasi Toshkent shahri Yashnobod tumani Xokimining Ijroiya Mahkamasi Bandlikka Ko'maklashish markazi"га берилган 10040101010040 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Сергели тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Сергели 5а-мавзеси, 2-қурилиш, 16-уй, 47-хонадон учун Джаникулова Сайёра Лазиз қизи номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Реклама ва эълонлар

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги 686-сонли "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти республика ҳукуматининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом"га мувофиқ **"Макроиқтисодий статистика ва миллий ҳисоблар" кафедраси бўйича** – (бухгалтерия ҳисоби ва аудит мутахассислиги бўйича) **катта ўқитувчи** лавозимини эгаллашга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Танловда юқорида қайд этилган Низомнинг 7-банди талабларига жавоб берувчи педагог-ходимлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати – эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.
Танловда қатнашишни хоҳловчилар Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтига (Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42б-уй) мурожаат қилишлари мумкин.
Телефонлар: (71) 230-81-90, (71) 230-81-86.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
"Ўзсаноаткурилишбанк" АТБ Ал-Хоразмий филиали таркибига кирувчи Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ўрикзор мавзеси, ТХАЙ кўчаси, "Ўрикзор савдо комплекси" ҳудудига кириш жойида 24/7 тизимида ишлайдиган шохобчани ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида қуриш ишларини амалга оширувчи махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30, 16А-уй. Телефонлар: (71) 287-54-41, (71) 270-02-52.
Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 календарь кун муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 03.07.2017 йилда № 529750-сонли реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "CHEMPION IBRAGIM" ОК (СТИР 304969530) таъсисчиларнинг 24.01.2019 йилдаги № 2-сонли қарорига асосан
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Юнусобод тумани, С.Юлдашев 1-тор кўчаси, 1-уй манзилида қабул қилинади. Телефон: +99891 135-31-32.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **23 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 6-8, кундузи – 18-20 даража илиқ бўлади.*
*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1046
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1386 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 03.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5